

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 56 (13.653)

Баҳоси эркин нарҳда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ*

БАНК ХИЗМАТЛАРИ ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА- ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Амалга оширилаётган ислохотлар натижасида банк тизимида хизматлар кўрсатишнинг бозор механизми жорий этилмоқда, уларнинг турлари кенгаймоқда, тадбиркорлар ва аҳоли учун молиявий очиклик ошиб бормоқда.

Аҳоли учун валюта айирбошлаш амалиётларини амалга оширишни энгиллаштирувчи янги банк хизматлари жорий этилди, яқна тартибдаги тадбиркорлар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш учун имкониятлар яратилди.

Шу билан бирга, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, айниқса, ҳудудларда риоя этиш ҳамда молиявий очикликни кенгайтириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимига бўлган ишонч ниядада оширишда бир қатор муаммо ва камчиликлар қузатилмоқда. Хусусан:

Биринчидан, кредитларни ажратиб бўйича қарор қабул қилишда ваколатлар ҳаддан ташқари марказлашганлиги бош банклар ва уларнинг филиаллари ўртасидаги жавобгарликнинг аниқ чегараланишига тўқтинлик қилмоқда;

Иккинчидан, кредит буюртмаларини кўриб чиқишнинг мураккаб механизми кредитларни тезкор олиш имкониятларини чегараламоқда;

Учинчидан, тижорат банклари томонидан микроқарзлар ажратилиши имкониятининг мавжуд эмаслиги микроқарзларни олиш даражасини оширишни таъминламоқда, микрокредит ташкилотлар ва ломбардларнинг хизматлари бўйича юқори фоиз ставкалари аксарият ҳолатларда истеъмолчиларнинг молиявий ҳолати ёмонлашишига олиб келмоқда;

Тўртинчидан, чакана банк хизматлари бозорининг паст даражада ривожланганлиги ва миқозлар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишнинг замонавий ёндашувлари мавжуд эмаслиги ортиқча бюрократия ва сансалорлик учун замин яратмоқда;

Бешинчидан, банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича давлат процессинг ташкилотларнинг мавжуд эмаслиги чакана тўлов тизимларининг хавфсизлиги, узлуксизлиги ва ишончлилиги даражасига таъсир кўрсатмоқда ва аҳолининг кенг қатламлари учун очик инновацион лойиҳаларни амалга оширишда замонавий технологик ечимларни илгари суртишга тўқтинлик қилмоқда;

Олтинчидан, кредитларни (микроқарзларни) кўриб чиқиш ва ажратиш учун хизмат ҳақлари ва бошқа тўловларнинг ундирилиши қарзининг реал қиймати ошишига олиб келмоқда;

Еттинчидан, шартномаларга хизматлар учун тарифлар, ажратилган кредитлар ва қабул қилинган депозитлар бўйича фоиз ставкаларини бир томонлама ўзгартиришни назарда тутувчи шартларни киритиш, шунингдек, бир хизматни қўшимча хизматдан фойдаланиш шarti билан кўрсатиш банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини бузмоқда;

Саккинчидан, банк тўлов карталаридан чет эл валютасини ечиш бўйича чекловларнинг мавжудлиги ва банкоматлар сонининг етарли эмаслиги валюта айирбошлаш амалиётларини амалга оширишда хизмат кўрсатишни талаб даражасида таъминламаётти.

Кўрсатиб ўтилган муаммоларни бар-тарafd этиш, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш механизмида янада такомиллаштириш ва инновацион ривожла-

нишнинг тенденцияларини инобатга олган ҳолда молиявий очиклик даражасини ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Белгилансинки, банк хизматларининг оммабоплигини оширишни таъминлаш ва банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тарихий тузилмасида банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, молиявий очикликни ва аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлигини ошириш асосий вазифалари бўлган Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаларини бажаришда:

банк тизимида тизимли камчиликлар ва банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари бузилишларини аниқлаш, шунингдек, уларнинг олдини олишга;

банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйган кредит ташкилотларига нисбатан жавобгарлик чоралари кўрилишини таъминлашга;

банк хизматлари истеъмолчиларининг бузилган ҳуқуқларини тиклашда маслаҳат бериш ва кўмаклашишга;

молиявий очиклик даражасини ошириш ва банк хизматлари истеъмолчиларининг саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 июлдан тижорат банклари:

дастлабки руҳсатланган ва шахсий тасдиқловчи ҳужжатларсиз миқозларга бевосита хизмат кўрсатиш ҳудудига тўқтинликсиз кириш;

миқозларни дастлабки қабул қилиш маъмурият ходимларидан кўрсатилаётган банк хизматлари тўғрисида дастлабки маслаҳатларни олиш;

кредит (микроқарз) бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилишнинг босқичма-босқич жараёнини ва кредит (микроқарз) бериш тўғрисида хабардор қилиш ёки уни беришни асосли рад этиш тартибини кўрсатган ҳолда кредит буюртмаларини шаффофлик асосида рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш учун шароитларни яратди.

4. Кредит ташкилотларига:

микроқарз шартномалари, шунингдек, ломбардлар томонидан тузилган кредит шартномалари бўйича йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп миқдорда фоизлар ҳисоблаш, комиссия ундириш ва неустойка (штраф, пеня), жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллаш;

кредит буюртмаларини кўриб чиқиш, ссуда ҳисобрақамларига хизмат кўрсатиш, кредитлар ажратиш учун тўловлар, шунингдек, жисмоний шахслар ва кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар (микроқарзлар)ни муддатидан илгари қоплаш учун неустойка ундириш тақиқланади.

(Давоми 2-бетда)

Тошкент – тинчлик форуми мезбони

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – МИНТАҚА ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ГАРОВИ



“Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусидаги Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси матбуот марказида 24 март куни “Тинчлик ва барқарорликни таъминлаш – минтақа хавфсизлигининг гарови” мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот марказлари, академик доиралар вакиллари, маҳаллий ва хорижий журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон – Афғонистон муносабатлари узок тарихга эга. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бу ҳамкорликни юқори босқичга кўтариш юзасидан изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосини ҳал қилиш борасидаги ташаббуслари ва ушбу мамлакатда иқтисодий лойиҳаларни амалга ошираётганида намоён бўлмоқда.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев, Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси А.Курманов, Ўзбекистон Савдо-сановат палатаси раисининг биринчи ўринбосари И.Жасимов, “Ўзтрейд” АЖ раиси Ш.Раҳмонов ва бошқалар таъкидлаганидек, Ўзбекистон ҳар доим Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қаратилган амалий ташаббусларни қўллаб-қувватлаб келган. Давлатимиз раҳбарининг юксак минбарлардан туриб, афғон заминидан барқарорликни таъминлашнинг энг тўғри йўли сифатида томонларни сиёсий мувозакаралар олиб боришга тақабил этгани, Афғонистонда тинчлик таъминлаши Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши учун муҳим

ўрин тутиши ҳақидаги фикрлари шу жиҳатдан жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилаётган Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент конференцияси ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатиш орқали унинг минтақавий иқтисодий-ижтимоий жараёнларга қўшилиши учун ҳар томонлама шарт-шароит яратди.

Семинарда Афғонистонда сиёсий дипломатияни йўлга қўйишда Тошкент конференциясининг аҳамияти, минтақавий иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги савдо айланмаси ҳажмини ошириш, энергетика, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги алоқалар истиқболлари, маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳақида сўз юритилди.

– Афғонистон асрлар давомида Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифатида ривожланиб келган, – дейди Ўзбекистон ташқи савдо вазيري Жамшид Хўжаев. – Халқларимизни боғлаб турган ягона тарих, умумий маданият бугун турли соҳалардаги ҳамкорлик учун қулай замин яратмоқда. Икки томон учун бирдек манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш йўлида салмоқли келишувлар амалга оширилмоқда. Афғонистон темир йўл тармоғини ривожлантириш, йўналишларни кенгайтириш борасидаги ташаббуслар шулар жумласидан. Келишувлар асосида ўзбекистонлик мутахас-

слар томонидан Термиз – Ҳайратон – Мозори Шариф темир йўли қуриб, фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунга келиб Мозори Шариф – Ҳирот йўналиши бўйича темир йўл қурилиши лойиҳаси устида иш олиб борилаётган. Мазкур тармоқнинг узунлиги 650 километри ташкил қилади. Бу савдо айланмасини сезиларли қўлайтириш ва Афғонистоннинг транзит экспорти ҳажмини оширишга хизмат қилади. Буларнинг бари Афғонистонда тинчликни қарор топтиришга бевосита боғлиқ. Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси бу борадagi ташаббусларнинг янги йўналишини бошлаб беришига ишонамиз.

Тадбирда мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт коммуникациялари, маданий-гуманитар каби соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан маърузалар тингланди.

Шу кунги матбуот марказида Афғонистондаги ижтимоий-иқтисодий вазият, ўзбек ва афғон халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари, ушбу мамлакатда яшаётган турли этник гуруҳлар, жумладан, ўзбек миллиятига мансуб аҳолининг тарихи ва тақдирига бағишланган шўба йиғилиши ҳам ташкил этилди.

Улугбек ШОНАЗАРОВ,
ЎЗА МУҲБИРИ

ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР БИЛАН ТЎХТАБ ҚОЛМОҚЧИ ЭМАС

Тошкент шаҳрида 26-27 март кунлари Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли анжуманга нафақат қўшни давлатда, балки минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда муҳим воқелик сифатида қаралмоқда.

Сўнгги вақтларда Ўзбекистон Афғонистон билан икки томонлама алоқаларни сезиларли даражада кенгайтирди, афғон муаммосини ҳал этишда халқаро сазй-ҳаракатларда фаол иштирок этди. Шу билан бирга, Ўзбекистон – Афғонистон муносабатларининг юқори суръатда ривожланиб бораётгани Президентимиз Шавкат Мирзиёев юритаётган ташқи сиёсий стратегиясининг натижасидир.

Давлатимиз раҳбари Президентлигининг илк кунлариданоқ қўшни давлатлар билан конструктив ва ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатиш йўлини тақабил этди. Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқаларни яхшилаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар Тошкентга чегаралар ва сўвдан фойдаланиш масалалари бўйича йиллар давомида ечилмай келаётган мураккаб муаммоларни ҳал қилишда ижобий натижага эришиш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўшни давлатлар билан визалар

(Давоми 2-бетда)

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ХОЛИС ВА ТЎЛАҚОНЛИ АХБОРОТ МАЙДОНИ ЯРАТИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 26-27 март кунлари “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Мазкур нуфузли анжуманни кенг, сифатли ва тезкор ёритиш учун пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида барча қўлайликка эга матбуот маркази ташкил этилди.

Матбуот маркази раҳбари – конференция матбуот котиби Шерзодхон Қудратхўжаев халқаро анжуманни ёритишга қўрилган тайёргарлик ҳақида ЎЗА муҳбирига қўйидагиларни сўзлаб берди:

– Матбуот маркази конференция кун тартибининг долзарблиги ва уни йигирмадан ортиқ мамлакат ОАВ вакиллари иштирокида тўлақонли ва самарали ёритиш заруратини инобатга олиб энг замонавий техник ускуналар билан жиҳозланди. Конференция матбуот марказимизга трансляция қилинади. Журналистлар шу

(Давоми 2-бетда)

XXI *саҳоси*
Барча маълумотлардан олдинчи сундги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоий вилоятидаги “Зарафшон овози” маъсулияти чекланган жамиятининг бир қатор янги ишлаб чиқариш объекти ва корхона томонидан барпо этилган турар жой бинолари фойдаланишга топширилди.

● Жиззахда “Баҳор тароналари” кўрик-танлови бўлиб ўтди. Иштирокчиларнинг Баҳор, Наврўз, Ва-тан мавзуларидаги халқ кўшиқлари, лапар ва ўланлари, замонавий ашулалар кўнгилларга кўкламнинг ўзига хос туйгуларини олиб кирди.

Танлов низомига кўра, уларнинг ижрочилик маҳорати тўрт йўналиш – фольклор, эстрада, ўлан ва лапар ижрочилиги бўйича баҳоланди.

● Наманганда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан ўтказиб келинаётган республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Кўрик-танловда “Энг яхши ташкилот”, “Энг яхши касаба уюшма ташкилоти”, “Энг яхши меҳнатни муҳофазаси қилиш бўйича вакил”, “Энг фаол иштирок этган меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис” каби номинациялар бўйича голиблар аниқланди.

● Сирдарё вилояти Сардоба туманидаги “Истиклол” сув истеъмолчилари уюшмасида чигит экишга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят ва туман ҳокимлари, прокуратура, солиқ, ички ишлар идоралари масъул ходимлари, мутасадди ташкилотлар ва пахтачи-

ликка ихтисослашган фермер хўжаликлари вакиллари иштирок этди.

● Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 22-болалар мусика, санъат ва бахшлар мактабида маънавий-маданий тараққиётга инновацион ёндашувлар ва бахшчилик санъатини ривожлантириш истиқболларига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди.

● Тошкент вилояти Ангрэн шаҳридаги “Янги ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғинида аҳоли билан очик мулоқот ва сайёр қабул ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Чехия пойтахти Прага шаҳри атрофида жойлашган химиявий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи “Уни петрол” заводидаги ёнгилик сақланидиган резервуарда портлаш рўй бериши натижасида олти киши ҳалок бўлди, икки нафар одам жароҳатланди. Мутахассисларнинг ҳулосаларига кўра,

портлаш ва унинг натижасида чиққан ёнгини туфайли атроф-муҳитда захарланиш ҳолати рўй бермаган.

● Словакия янги ҳукуматининг таркиби тасдиқланиб, ўз фаолиятини бошлади.

● Австралиялик расмом Майкл Кэнди яратган сунъий гуллар ўз хусусиятига кўра табиий гулларга жуда ўхшайди. Уларга асаларилар ҳам келиб кўнмоқда. Бу янгилик дунёнинг табиатшунос олимларини ҳаммадан кўпроқ қувонтирган бўлса керак. Чунки кейинги йилларнинг дунё бўйича асаларилар сони кескин камайиб кетаётгани кузатилаётган эди. Янги гулзорлар эса бу жараёни тўхташига хизмат қилади.

● Хитойда йўловчиларни олиб кетаётган микроавтобусда тўсатдан ёнгин чиққан. Йўловчиларнинг саросимага тўшмасдан автобусни тарк этишлари туфайли атиги икки киши енгил қуйиш жароҳати олган ҳолда шифохонага муружаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БАНК ХИЗМАТЛАРИ ОММАОБОПЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

5. Тижорат банклари: банк фаолиятининг илгор халқаро тажрибасини ўрганиш ва банк хизматлари ва махсулотларининг янги турларини жорий этиш; банк хизматларига бўлган талаб ва ўзини қоплашни инобатга олган ҳолда банк филиаллари ва мини-банклар тармоғини кенгайтириш; филиалларнинг кредит ажратишда бош банклар билан қўшимча келишувсиз мустақил қарорлар қабул қилиш бўйича ҳуқуқларини кенгайтириш тасвир этилсин.

қулай тўлов хизматларини яратиш ва ривожлантириш; нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда инновацион махсулотларни, шу жумладан бевосита мулоқотсиз ва мобил технологияларни ривожлантириш ҳамда илгари суриш; бевосита мулоқотсиз ва мобил технологияларни, биринчи навбатда, ижтимоий-маиший ҳўрсатиш, транспорт, савдо, умумий овқатланиш соҳаларида, айниқса, ҳудудларда жорий этиш; халқаро тўлов тизимлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш; д) 2018 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва тижорат банклари билан биргаликда норезидентларнинг тўлов карталари барча тўлов терминаллари тармоғи орқали қабул қилинишини таъминловчи маҳаллий тўлов тизимларини асосий халқаро тўлов тизимлари билан интеграциялаш жараёнини тугалласин; е) 2018 йил 1 ноябрга қадар тижорат банклари билан биргаликда туристлар кўпроқ борадиган жойларда куну-тун режимида ишловчи автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчалари ташкил этилишини таъминласин.

жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги фуқаролар учун ҳисобланган маблағлар; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига фуқароларнинг ҳисобланган сўғурта бадаллари; солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисобланган қарздорликлар; идентификациялаш учун жисмоний шахслар ва тadbиркорлик субъектлари; жисмоний шахсларнинг мулки ва бошқа олган даромадлари; юридик шахсларнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ахборотларни олиш имконини берувчи давлат органлари ва кредит бюро ўртасида маълумотларни қайта ишлаш ва электрон алмашиш Ягона идоралараро ахборот тизимини яратсин.

ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР БИЛАН ТЎХТАБ ҚОЛМОҚЧИ ЭМАС

(Давоми. Боши 1-бетда)

Марказий Осиё давлатлари ва Афғонистонни умумий тарих, дин, маданият ва урф-одатлар бирлаштиради. Тинч Афғонистон Марказий Осиё давлатларига Хинд океани ва Форс кўрфазининг портларига қисқа мuddатда чиқиш имконини беради, Жанубий Осиё давлатларининг Европа ва Хитой бозорлари билан боғланишини таъминлайди. Мазкур омилларни ҳисобга олиб, Афғонистонга минтақавий муаммолар, таҳдид ва қийинчиликлар манбаи сифатида эмас, балки Евроосиёда кенг трансминтақавий алоқаларни ривожлантиришга янги туртки берадиган ноёб стратегик имконият сифатида қараш жуда муҳимдир.

ҳамкорликнинг долзарб масалалари атрофида муҳокама қилинди. Барча даражадаги жадал ва ишончли алоқалар, икки мамлакат раҳбарларининг сиёсий иродаси Ўзбекистон ва Афғонистонга икки томонлама муносабатларга янги суръат бағишлаш имконини берибди, бу ҳамкорликнинг ҳамма соҳаларида аниқ намоён бўлмоқда. Биринчидан, савдо-иқтисодий соҳада улкан ютуқларга эришилди. Охириги бир ярим йил давомида нафақат икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми ошгани, балки мутлақо янги турдаги товарлар киритиш ҳисобига унинг таркибий жиҳатдан тобора кенгаётгани кузатилмоқда. 2017 йил якунлари бўйича товар айирбошлаш ҳажми 15 фoизга ошиб, қарийб 600 миллион долларни ташкил этди. Бу тенденция жорий йилда ҳам давом этмоқда. 2018 йил январь ойида товар айирбошлаш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30 фoизга ўсди.

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ХОЛИС ВА ТЎЛАҚОНЛИ АХБОРОТ МАЙДОНИ ЯРАТИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Анжуманда Марказий Осиё мамлакатлари, АҚШ, Афғонистон, Эрон, Покистон, Хитой, Ҳиндистон, Россия, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Туркия, Япония, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, БМТ ва Европа Иттифоқи, қатор халқаро ташкилотлардан вакиллар ва экспертлар иштирок этиши кутилмоқда. Афғонистондаги нотинчлик дунёдаги ялпи хавфсизликка таъсир кўрсатиши ҳаммага маълум. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев савдо-иқтисодий кампаниясида мамлакат ташкилотлардан вакиллар ва экспертлар иштирок этиши кутилмоқда. Афғонистондаги нотинчлик дунёдаги ялпи хавфсизликка таъсир кўрсатиши ҳаммага маълум. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев савдо-иқтисодий кампаниясида мамлакат ташкилотлардан вакиллар ва экспертлар иштирок этиши кутилмоқда.

римиш фаол иштирок этмоқда. Бу юрда тезроқ барқарорлик бўлиб, қадим замонлардан давом этиб келган яхши қўшнилик алоқалари кенгайтиришдан халқларимиз бирдек манфаатдор. Президентимиз 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида Марказий Осиёда изчил тараққиётни таъминлаш қўшни Афғонистонда тинчлик ўрнатиш билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидлади. Ноябрь ойида Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилган "Марказий Осиё: янги тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги конференцияда Афғонистоннинг минтақадаги иқтисодий жараёнларга қўшилишига кўмаклашиш биринчи галдаги вазифалардан эканини қайд этди. Ушбу юғларни ҳаётга таъбиқ этиш мақсадида Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича конференция ўтказиш ташаббусини илгари сурди.

МАНСАБДОР ШАХСЛАР ТОМОНИДАН БУЗИЛГАН 6,5 МИНГА ЯҚИН ШАХСНИНГ ҲУҚУҚИ ТИКЛАНДИ

2017 йил 1 июндан

мамлакатимизда маъмурий судлар фаолияти йўлга қўйилди. Тизимда айни пайтда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари, Маъмурий ишлар бўйича судлов хайъати раиси Баҳодир Дехқонов ўз муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди: – Конституциямизда ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши, давлат органлари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш мумкинлиги белгилаб қўйилган бўлса-да, бу ҳуқуқни рўёбга чиқаришнинг аниқ механизми авжуд эмас эди. Президентимизнинг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низолар ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати янги ташкил этилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) маъмурий судларига ўтказилди. Ҳар бир туман ва шаҳарда жами 213 маъмурий суд ташкил қилиниб, уларга 267 судьялик штати ажратилгани бу тоифа ишларни тезроқ ва сифатли кўриб чиқиш, фуқароларнинг вақти ва маблағини тежаш имконини бермоқда. Ҳар бир туман ва шаҳарда жами 213 маъмурий суд ташкил қилиниб, уларга 267 судьялик штати ажратилгани бу тоифа ишларни тезроқ ва сифатли кўриб чиқиш, фуқароларнинг вақти ва маблағини тежаш имконини бермоқда. Ҳар бир туман ва шаҳарда жами 213 маъмурий суд ташкил қилиниб, уларга 267 судьялик штати ажратилгани бу тоифа ишларни тезроқ ва сифатли кўриб чиқиш, фуқароларнинг вақти ва маблағини тежаш имконини бермоқда. Ҳар бир туман ва шаҳарда жами 213 маъмурий суд ташкил қилиниб, уларга 267 судьялик штати ажратилгани бу тоифа ишларни тезроқ ва сифатли кўриб чиқиш, фуқароларнинг вақти ва маблағини тежаш имконини бермоқда.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА МУҲБИРИ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 23 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.МИРЗИЁЕВ

Матназар ЭЛМУРОДОВ ёзиб олди

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев раислигида 6 февраль куни фармацевтика соҳасини ривожлантириш борасидаги ишлар натижадорлигини таҳлил қилиш, истиқболдаги долзарб вазифаларни белгилашга бағишланган йиғилишда бирма-бир таъкидлаб ўтилган вазифалар бизнинг олдимизда турган кўплаб муаммоларнинг ечимига ва фармацевтика соҳасида замонавий технологияларни ўзлаштирган етук кадрларни тайёрлашимиз учун замин яратди. Бу вазифаларни бажариш учун биринчи навбатда фармацевтика соҳаси ривожланган бир қатор хориждаги таълим муассасаларининг таркибий тузилиши ва уларда ўқитилаётган фанлар қисий таҳлил қилиб чиқилди ва Тошкент фармацевтика институти таркибий тузилмаси, ўқув фанларига янги ўзгартиришлар киритиш борасида таклифлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, дарс жараёнида амалиётнинг ҳиссасини ошириш мақсадида талабаларнинг юртимиздаги 20 га яқин илмий марказлар ва фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналарида амалиёт ўтатишлари учун шартномалар тузилди ва ўқув-илмий амалиётга татбиқ қилинмоқда. Амалиётда талабалар мавжуд замонавий технологик усуллар, фармацевтик ускуналар ва машиналар билан таълим, уларда беvosита ўз кўникмаларини оширишмоқда.

Институтимизнинг тўққизта мутахассис тайёрловчи – токсикологик кимё, фармацевтик кимё, фармакогнозия, ААФКК, дори воситаларининг саноят технологияси, дори турлари технологияси, фармацевтика ишларини ташкил қилиш, биотехнология, фармакология ва клиник фармацевтика кафедралари ва дори воситаларини стандартлаш ўқув илмий маркази (ДСВМ) билан илмий тадқиқот институтлари ва марказлари ўртасида инновацион-корпоратив ҳамкорлик гуруҳлари тузилди ва мазкур кафедраларда инновацион гуруҳлар томонидан шакллантирилган ягона ахборот базаси асосида бакалавр талабаларининг амалиёти ва магистрлик ишлари, докторлик диссертациялари бажарилмоқда. Турли мулкчилик шаклидаги 50 дан ортиқ доироналар, 16 та ишлаб чиқариш корхоналари, 9 та илмий тадқиқот марказлари билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилди.

Республикадаги фармацевтика соҳаси учун илмий изланишлар олиб борувчи илмий тадқиқот институтлари ҳолида институтимиз кафедраларининг филиаллари ташкил этилди. Шунингдек билан таъкидлаш жоизки, бу ижобий ўзгаришлар замирида соҳадаги илмий текшириш марказлари ўзлари учун керакли бўлган тор соҳа мутахассисларини тайёрлаб, улар ичидан сараларини танлаб олишлари учун ўз илмий марказлари ҳолида институт кафедралари филиалларини очиб борасида яхши мазнадаги мусобақа бошлан-

ди. Жумладан, 2018 йил 14 март куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Геномика ва биоинформатика марказида институтимизнинг "Биотехнология" кафедраси очилди. Ушбу тадбир Геномика ва биоинформатика маркази ва Тошкент фармацевтика институти раҳбариятининг узоқ давом этган тайёргарлик ишлари самараси сифатида ҳар икки ташкилот учун ҳам ривожланишнинг янги босқичини белгилаб беради. Жуда шинам ва замонавий тарзда жиҳозланган ўқув-амалий лабораторияси ҳамда мазруза хонасида талабалар ўзгача бир кўтаринки руҳда, мамнуният билан шижоатга тўла ҳолда амалий ишларга киришишди.

ларнинг тўпланган билим ва амалий тажрибаларидан ёшларни баҳраманд қилиш имконини беради.

Жорий йилнинг 16 март куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти қрошида ҳам Тошкент фармацевтика институтининг яна бир филиали очилди ва ўқув-машгулот лабораторияси билан таъминланди.

Замонавий фармацевтиканинг тор йўналишлари бўйича етук кадрларни тайёрлаш, институт илмий ва педагогик ходимларнинг хорижий фармацевтика корхоналарида малака оширишини ташкил этиш мақсадида Жанубий Кореянинг Чунгбук ва Чангвон миллий университетлари билан илмий техникавий ҳамкорлик

маларни амалиётга беvosита жорий этишни жадаллаштириш мақсадида берган кўрсатмаларида таъкидланган Тошкент фармацевтика институтида ўқув-илмий лаборатория ва тажриба-ишлаб чиқариш комплексини ташкил этиш масаласи ҳақиқатда "дастлабки фундаментал гоё - тайёр оригинал дори" занжирида этиш-маётган асосий ҳалқа ҳисобланади. Бу борада институт ҳудудидаги алоҳида биони таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини жадаллаштириш, илмий ишланмаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш мuddатларини қисқартириш, ўқув-илмий лабораторияси ва тажриба-ишлаб чиқариш комплексини ташкил этиш мақсадида реконструкция қилиш режалаштирилмоқда. Бугунги кун ҳолатига кўра бино техник кўриқдан ўтказилди, лоийҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, зарурий сарф-харажатлар бўйича таклифлар республика Соғлиқни сақлаш вазириликка тақдим этилди.

Мазкур масаланинг ижобий ечим талабаларимиз ўқув-илмий амалиётини юқори даражада кўтариш, замонавий технологиялар билан ишлаб чиқаришга тайёрлаш билан бирга институт илмий жамоаси ишланмаларини муаллифдан ишлаб чиқарувчига узатиш жараёнидаги ҳам ҳуқуқий, ҳам ўз-ўзини моддий таъминлаш тизимининг ишга тушишига олиб келади.

Олдий шаклдаги дори воситалари ишлаб чиқариш билан чекланаётган илмий тадқиқотлардан кўра импорт ўрнини босадиган ҳақиқий оригинал дори субстанцияларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган изланишларга ўтиш борасида ҳам амалий ишлар бошланди. Магистратура талабалари ва тадқиқотчи изланувчиларга илмий мазкур беришдан тортиб, давлат фундаментал, амалий ва инновацион лоийҳалар мавзуларини танланаётганда уларни стратегик режалаштириш усуллари (SWOT анализ) орқали чўқур таҳлил қилиш, олдидан ҳар бир изланишда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни ички ва ташқи имкониятлар ёрдамида ҳал этиш йўллари белгилаб олишни, уларнинг йўл хариталарини тузиш орқали ҳар бир босқичда назорат қилиб боришни амалга оширялмиз. Бу эса изланиш ва лоийҳаларнинг ярим йўлда, сифатсиз бажарилган ҳолида ташлаб кетилишдан ҳимоялайди.

**Нодирали НОРМАҲАМАТОВ,
Тошкент фармацевтика институтининг илмий ишлар бўйича проректори**

ФАРМАЦЕВТИКА ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ БОШЛАБ БЕРДИ

Филиалнинг очилиши натижасида "Биотехнология" кафедраси ходимлари ва талабалари биотехнология, ҳужайра ва ген-муҳандислиги бўйича ўзларининг амалий машгулот, диплом ва малакавий ишларини жаҳон илмий стандартларига жавоб берувчи юксак даражада бажариш учун яхши имкониятга эга бўлдилар. Бу эса фармацевтика саноятида мутахассисларни тайёрлаш сифатини сезиларли даражада яхшилайдди ва ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги "Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори талабларига жавоб беради.

Шу билан бирга, кафедра филиалнинг очилиши ЎЗР ФА Геномика ва биоинформатика маркази учун катта аҳамиятга эга бўлиб, олим-

келишувларига эришилди. Хиндистоннинг Фармацевтика таълими ва тадқиқот миллий институти (NIPER), Туркиянинг Эге университети билан ўзаро илмий ҳамкорлик борасида музокалар олиб борилди ва келишув ҳужжатлари республика Соғлиқни сақлаш вазириликнинг халқаро алоқалар бўлимига тақдим этилди. Дарс жараёнини чет тилида олиб боришни кучайтириш мақсадида педагог ходимларнинг чет тилини ўзлаштиришлари учун институтимиз ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда ҳафтада 3 кун ўқув курслари ташкил қилинди.

Яқинда институт педагог ходимларидан 8 нафари "Истеъдод" фонди совриндори бўлишди ва Россия ҳамда Англияда малака оширишга йўлланма олишди.

Давлатимиз раҳбарининг фармацевтика соҳасидаги илмий ишлан-

Таълим

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ АНЖУМАН

Халқимиз, айниқса таълим тизимида хизмат қиладиган кишилар улугъ устоз-муаллим Оқилхон Шарафиддинов номини ҳанузга қадар юксак ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишади. Бунинг бонси нимада?

Гап шундаки, мактаб остонасига илк қадам қўйган ҳар бир фарзанд устоз-муаллимлардан дастлабки сабоқни ўқувчилар учун Оқилхон Шарафиддинов томонидан яратилган биринчи "Алифбо" китобини varaқлашдан, ўрганишдан бошлаган.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими томонидан 254-умумий ўрта таълим таянч мактабда ташкил этилган семинарнинг ҳам фидойи устоз Оқилхон Шарафиддинов таваллудининг 120 йиллик санасига бағишланганида катта маъно бор. Тумандаги барча мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчилари қатнашган ушбу анжуманда таълим-тарбия тизимида кенг қўламада олиб борилаётган туб ислоҳотлар ҳақида, келажак авлодни ҳар томонлама билимли, баркамол, ақлли ва зукко инсонлар этиб тарбиялаш борасида кенг фикр-мулоҳазалар, қимматли ва фойдалли фикрлар билдирилди.

Анжуманда тумандаги 39-умумий ўрта таълим мактабининг олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси Шоира Исҳоқова, 132-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро тоифадаги тренери, педагог-психолог Наима Ёқубовалар қизиқarli маъруза ва ўз амалий машгулотлари билан қатнашдилар.

Қизиқarli ўтган ушбу анжуманда Оқилхон Шарафиддиновнинг халқ таълими йўлида амалга оширган самарали хизматлари, таълим-тарбия соҳасида қолдирган маънавий мероси ҳақида, ёш авлодни меҳнатсеварлик, она Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган "Билим ва меҳнат", "Меҳнат болалари" сингари дарслик ва қўлланмалари ҳамон ўз қимматини сақлаб келаётганлиги қайд қилиб ўтилди.

Бундай семинар-анжуманларнинг ўтказилиши ҳар томонлама фойдалидир, – дейди Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими методисти Доно Мирзахмедова. – Бугунги ўтказган тадбиримиз ана шу фикрнинг исботидур. Семинарнинг ҳар бир иштирокчиси беназир устоз-муаллим Оқилхон Шарафиддиновнинг ибратли ҳаёти ва серқирра педагогик фаолияти ҳақидаги қизиқarli кўргазмани ҳам мароқ билан томоша қилдилар.

Хондамир СОЛИХОВ

Озод ва обод юртимизда улкан шодиёналар шуқуни бугун ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонда истиқомат қиладиган инсонлар юзигада табассумда ўз аксини топмоқда, десак муболага эмас.



ЗАМОНАВИЙ МАҲАЛЛА ГУЗАРИ

Мамлакатимизда Наврўз шодиёналари кенг нишонланаётган шу кунларда байрам шуқуни ҳеч кимни четлаб ўтгани йўқ. Янгиланиш ва яшариш айёми кунлари Яқсарой туманидаги Абдулла Қаҳҳор номли маҳалла фуқаролар йиғинининг замонавий гузарини қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилий асосларини такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Сўнгги йилларда юртимиздаги фаолият юрттаётган маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланаётгани ҳам айни ҳақиқат. Янги маҳалла идоралари ва замонавий гузарлар, аҳолига хизмат кўрсатиш мажмуалари, болалар спортини иншоотлари ҳамда бошқа ижтимоий соҳа объектларини бунёд этишда тадбиркорларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Абдулла Қаҳҳор номли маҳалла фуқаролар йиғинидаги барча қулайликларга эга замонавий маҳалла гузарини фаол тадбиркор Эркин Норбеков ўз маблағи ҳисобида тез ва сифатли бунёд этиб, маҳалладаш-

ларининг ҳурматида сазовор бўлди.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз ташаббуслари ва раҳнамолликлари туфайли маҳалла институтининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро алоқалари мустаҳкамланиб, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айланмоқда.

Маҳалламиз янги гузарининг Наврўзи олам кунлари фойдаланишга топширилганлиги ҳам ўзига хос рамзий маъно касб этади. Чунки, бу байрам миллий урф-одат, анъана, қадрият ва янгиланиш айёми ҳисобланади. Гўзал ва кўркам, ҳавас қилгудек кўринишдаги маъна шундай обод масканда фаолият кўрсатаётган маҳалла фаоллари қувончининг чеки йўқ. Бундай гамхўрлик ва эътибор учун ҳомийларимиздан чексиз миннатдоримиз, – дейди ушбу маҳалла фуқаролар йиғини раиси Феруза Орипова.

Шу кун маҳалла аҳолиси ва меҳмонлар учун гузарда тўкин дастурхон тузалди. Таникли радио бошловчи Баҳодир Мағдиев даврга ўзгача шуқу бахш этди. Шунингдек, элимиз суйган санъаткорларнинг миллий оҳангдаги қўшиқлари барчага байрам шодлигини улашди.

Байрам тадбири якунида шодиёна қатнашчиларига ҳомийлар томонидан совғалар топширилди.

**Бахтиёр Жўраев
Ҳасан Юнусов олган сурат**

Давлат хизматлари фаолиятдан

Фуқароларимиз ҳар қадамда турли ҳаётий заруратлар туфайли давлат идораларига мурожаат қилиши мумкин. Халқимиз оғирини енгил қилиш, фуқароларга қулайлик яратиш ва шафқофликни таъминлашда Президентимиз томонидан илгари сурилган аҳолига давлат хизматлари кўрсатишининг янги тизими мамлакат ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

ФУҚАРОЛАР ЭМАС, ҲУЖАТЛАР ҲАРАКАТЛАНАДИ

2017 йил 12 декабрь куни Президентимизнинг "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишининг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниди ва ушбу Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилик ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди. Мазкур тузилма амалда ўзининг самарасини кўрсатиб, халқимиз ишончини қозонган Президентнинг Халқ қўлаб-қўчалари негизига яратилгани, айниқса, эътиборга лойиқдир.

Аслида 2003 йилдан бунён тадбиркорлик субъектларини "Ягона дарча" тамойили асосида рўйхатдан ўтказиш шаҳар ва туман ҳокимиятлари ҳузуридаги махсус инспекциялар томонидан амалга ошириб келинган, 2016 йилдан ўтказиш давлат хизматлари кўрсатиш марказлари фаолият олиб бораган бўлса-да, бугунги жадал ислохотлар даврида соҳа фаолияти халқнинг талаб ва эҳтиёжлари учун етарли эмаслиги маълум бўлди.

Янги жорий этилган тузилмада асосий эътибор давлат идоралари олдида навбатда туришларни кескин қайтариш, сансалорликларга барҳам бериш, халқнинг давлат идораларидан рози бўлишига қаратилди. Масалан, кундалик ҳаётда ҳар биримиз дуч келадиган жараёнлар – никоҳни қайд этиш, фарзанднинг дунёга келиши, болаларни мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш, улар билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш каби ишлар эндиликда Давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилди. Бу эса одамларимиз учун ортиқча сарф-харажатларни қисқартириш билан бирга, вақтни тежаш имконини ҳам беради.

Хозирги вақтда Давлат хизматлари марказларида аҳолига замон талабларига мос риважда ва инновацион технологиялар асосида 37 турдаги хизматлар кўрсатишмоқда. Жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб улар сонини 50 тадан ортиқ ҳафта давлат хизматлари юридик шахслар билан бир қаторда, жисмоний шахсларга ҳам кўрсатилиши йўлга қўйилди. Бу борадаги ишлар "Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади" тамойили асосида ташкил этилди.

Давлат хизматлари кўрсатиш тизимига инновацион технологияларнинг жорий этилиши теъзорлик, очиллик ва юқори сифатни таъминлаб, аҳолининг улардан фойдаланиш имкониятини оширади.

Давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг узунликлиги ва сифатини кузатиб бориш мақсадида масофадан туриб видеокузатув тизими жорий этилди. Шунингдек, давлат хизматларини алоҳа воситаларидаги мобил ыловлар орқали кўрсатиш имконияти яратилди. Бу орқали аҳоли билан қайта алоқонинг самарали воситалари амалга киритилди.

Компьютер ускуналари ёки интернет тармоқидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган фуқароларга давлат хизматлари тақдим этиш учун замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларидаги давлат хизматлари марказлари махсус инфокиосклар билан таъминланади.

Олис ҳудудлардаги аҳолига енгилликлар яратиш мақсадида тасдиқланган жадаллар асосида мобил давлат хизматлари ташкил этилади. Яъни барча зарур техникаларни ўзига мужассам этган махсус автотранспорт воситалари жойларга бориб, давлат хизматларини кўрсатади.

Бундан ташқари, барча давлат хизматлари уларни Давлат хизматлари ягона реестрига рўйхатта қўйиш учун инвентаризациядан ўтказилади. 2018 йил 1 июндан бошлаб ушбу реестрга киритилмаган давлат хизматларини кўрсатишга йўл қўйилмайди.

Бир сўз билан айтганда, жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган давлат хизматлари сифати инновацион жиҳатдан янги босқичга олиб чиқилди. Энг муҳими – халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилди.

Зокиржон ШАРИФЖОНОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

- ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!**
- Катта ҳажмли сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилиши, шунингдек, 2018 йил баҳорги-ёзги мавсумга тайёргарлик кўриш муносабати билан "Сувсос" трести ДУК истеъмолчиларга ичимлик суви босимининг пасайиши ва бўлмаслиги ҳақида қўйидагиларни маълум қилади:
- 28 март соат 9.00 дан 30 март соат 9.00 гача**
- 1. Сув бўлмайдиган маҳаллалар:** – Олмазор тумани бўйича: Б-1 мавзесидаги Чустий маҳалласи, Б-3 мавзесидаги Алишер Навоий номли маҳалла, Беруний майдони, "Хончорбоғ", "Алоқа", Фаробий, "Чимбой-2", "Корсарой", "Гузарбосий", "Қўштут", "Аллон", "Эски шаҳар", "Қўмлоқ", Хофиз Кўханий, Абу Бакр, "Истиклол" маҳаллаларида. Абдулла Қодирий кўчаси, Себзор кўчасидан Фаробий кўчаси бўйлаб Чигатоь дарвозасига, Фаробий, Мирзо Ғолиб кўчаларида, Беруний кўчасидаги Нон ишлаб чиқариш заводида, Талабалар шаҳарчасида.
- Шайхонтоҳур тумани бўйича:** Марказ 26, 27, 28 мавзелиридаги "Гулбод", "Бог'ўча", "Сархўмдон" маҳаллаларида. "Коратощ", "Чакар", "Чорсу", "Янги Камолон", Хувайдо, "Гулбозор", "Сузукота", Исломобод, "Оқилон", "Шофайз", "Янгишаҳар", "Янгишаҳар", Хохота, "Ўзбекистон", "Тахтапўл", "Катта Ховуз" маҳаллаларида. 1-Болалар юкумли касаликлар шифохонасида, Навоий кўчаси Самарқанд Дарвоза кўчасидан Фуркат кўчасигача, Самарқанд Дарвоза кўчаси Навоий кўчасидан Термиз кўчасигача, 1-шаҳар клиник шифохонаси ва туғруқхонасида, Тошкент давлат ширкетида, Чорсу бозорида, ЖАР спорт комплексида, Аброр Ҳидоятлов номидаги ва Миллий академик драма театларида.
- 2. Сув босими пасаяди – Олмазор тумани бўйича:** Шимолий Олмазор, Нодира кўчаларида.
- Шайхонтоҳур тумани бўйича:** Марказ-15, Бешбегач мавзесида, Хохота маҳалласида, 3-туман иссиқлик қозонхонасида.
- Учтепа тумани бўйича:** 5-туман иссиқлик қозонхонасида, Шайхзода, Фарход, Қурилиш кўчаларида, Луғфий кўчаси Фарход кўчасидан Хирмонтепа кўчасигача, Хирмонтепа кўчаси Фарход кўчасидан Ширин кўчасигача.
- Сув таъминотидаги узилтишлар сабабли "Сувсос" давлат унитар корхонаси уэр сўрайди.
- Сув бўлмаган жойларга сув ташувчи махсус автомашиналар юборилади.
- Маълумот учун телефонлар:
Олмазор туман сув тармоқлари эксплуатация центри: 246-99-56
Шайхонтоҳур туман сув тармоқлари эксплуатация центри: 273-52-39, 273-52-49
Учтепа туман сув тармоқлари эксплуатация центри: 274-83-45
Марказий диспетчерлик хизмати: 1054, 256-10-95

КИТОБ – БИЛИМ МАНБАИ


Тошкент шаҳридаги "Намунали китоб дўкони" аниқланди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги Қарорига мувофиқ ташкил қилинган "Ҳар бир шаҳар ва қишлоқда — замонавий китоб дўкони" акцияси доирасида "Намунали китоб дўкони" танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди. Китоб дўконлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали аҳолига намунали хизмат кўрсатиш сифатини оши-

риш мақсадида Наврўз байрами арафасида ғолибни аниқлаш учун идоралараро ишчи гуруҳи тузилиб, китоб дўконлари манзиллари бўйича жойларга чиқиб, белгиланган мезонлар асосида пойтахтимиздаги замонавий китоб дўконлари фаолияти баҳоланди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси, Ўзбекис-

тон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши, Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танловда "Sharq ziyokori" масъулияти чекланган жамияти бир овоздан Тошкент шаҳридаги "Намунали китоб дўкони" танловининг ғолиби деб топилиб, ташкилотчилар томонидан махсус диплом билан тақдирланди.

Б.ТОШХУЖАЕВ



Спорт янгиликлари

ЖАМОАЛАРИМИЗДА ҲАЛИ ИМКОНИЯТ БОР

Футбол бўйича қитъамизнинг нуфузли турнири — Осие чемпионлар лигаси гуруҳ босқичининг 4-тур беллашувлари бўлиб ўтди.

Осие чемпионлар лигасининг "В" гуруҳида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган амалдаги чемпион "Локомотив" жамоаси бу турда ўз майдонида Қатарнинг "Ал-Духайл" клуби билан куч сынашди. Аввалги турда айнан "Ал-Духайл" майдонида ўтган бахс 3:2 ҳисобида мезбонларнинг галабаси билан яқунланган, шу боис ҳам Тошкентда уюштирилмаган ўйинда темирйўлчиларга галаба сув ва ҳаводек зарур эди. Дарҳақиқат, ҳамшаҳарларимиз бахсни тезкор, ҳужумкор бошлашди, меҳмонлар дарвозаси томон кўп марта хавфли вазиятларни содир этишди. 35-дақиқада эса мухлислар кутган воқеа юз берди. Сардор Рашидов жамоадошлари ҳужумни самарали яқунлаб, рақиблар дарвозасига гол киритди. 1:0. Ўйиннинг иккинчи бўлимида эса мезбон-

лар ҳужумдан кўра ҳимояни мустақамлашга интилишди. Учрашувда устунлиқни қатарликлар ўз томонларига оғдириб олишди. Ўйинга кўшиб берилган сўнги дақиқаларда темирйўлчилар ҳимояда кетмакет хатolikларга йўл қўйишди ва ўз дарвозаларидан иккита гол ўтказиб юборишди. Гарчи беллашув 1:2 ҳисобида қатарликлар галабаси билан яқунланган бўлсада, кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритиш учун тошкентлик футболчиларда имконият сақланиб қолди. Чунки ушбу гуруҳдаги БААнинг "Ал-Ваҳда" ҳамда Эроннинг "Зоб-Оҳан" жамоалари баҳси амирлик футболчиларининг 2:0 ҳисобидаги галабаси билан тугади. Агар "Локомотив" сўнги бахсларда галаба қозонса, кейинги босқичда ўйнаш ҳуқуқига эга бўлади. Осие чемпионлар ли-

гасининг "С" гуруҳида қатнашаётган Қаршининг "Насаф" жамоаси бу турда Қатарнинг "Ал-Саад" командаси меҳмони бўлди. Испаниялик футбол болдузи Хави тўп сурайдиган "Ал-Саад" ўйинни кўтаринки руҳда ўтказди ва 4:0 ҳисобида зафар кучди. Қаршиликлар дарвозасига биринчи голни айнан Хави киритди. Аммо, Қаршидаги бахсда "Насаф" айнан "Ал-Саад" клубидан 1:0 ҳисобида устун келганлигини эсласак, қаршиликларда кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритиш учун ҳали имкон бор. Ушбу гуруҳдаги БААнинг "Ал Васл" ҳамда Эроннинг "Персеполис" жамоалари ўрашуви 1:0 ҳисобида эрликларнинг галабаси билан яқунланди. Осие чемпионлар лигаси гуруҳ босқичининг 5-тур бахслари 2,3,4 апрель кунлари бўлиб ўтади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент шаҳридаги "Саховат спорт сервис" сув спорти саройида синхрон сузиш бўйича Миллий олимпия қўмитаси соврини учун Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтмоқда.

СИНХРОН СУЗУВЧИЛАР САРАЛАБ ОЛИНАДИ

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан ташкиллаштирилган мусобақа жорий йилнинг август ойида Жакарта шаҳрида ўтказилган XVIII ёзги Осие ўйинларига спортчиларни саралаш вазифасини ўтайди. Мусобақа иштирокчилари "Solo

Tech", "Solo Free", "Duet tech", "Duet Free", "Team Tech", "Team Free" йўналишларида ўзаро кураш олиб бормоқдалар. Эслатиб ўтамиз, Индонезиядаги ёзги Осие ўйинларига синхрон сузиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси дует ва жамоа дастурларида иштирок этишни режалаштирган.

РОССИЯДАГИ ДЕБЮТ ГАЛАБА БИЛАН БОШЛАНДИ

Россиянинг Тула шаҳридаги профессионал жанглар кечаси ташкил қилинди.

"Fight Show" турнирида 24 нафар MMA жангчиси ғолиблик учун рингда кўтарилишди. Кечанинг асосий жангида кикбоксинг бўйича жаҳон Кубоги совриндори, бокс бўйича Россия чемпионати бронза медали соҳиби Алексей Махно ва кикбоксинг бўйича Франция чемпиони Даджи Ясин кураш олиб боришди. Шунингдек, ушбу мусобақада олти спорт тури бўйича чемпион спортчимиз Сухроб Раҳимбеков дебют жангини мезбон жангчиси Сергей Арбузовга қарши

ўтказди ва ғолибликни қўлга киритди. Сухроб дастлаб аралаш яккакураш жанг санъатлари билан 2012 йилда шуғуллана бошлаган ва шундан сўнг жанговар самбо бўйича Ўзбекистон чемпионатида зафар қўнган. Кейинчалик у таэквандо сир-асрорларини ўрганди. Спортчимиз яккакураш спорт турларининг жанговар самбо, ушу санда, комбат айкидо, MMA, "Jiu-Jitsu" ва бошқаларида турли халқаро мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган. Ботир ХУЖАЕВ

"101" "ТИЛСИЗ ЁВ"НИ ЖИЛОВЛАЙЛИК

Хозирги кунда корхона, муассаса ва ташкилотлар объектларини, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ холга келтириш борасида кенг қўламда ишлар олиб борилаётган. Маҳаллалар, ўқув юртлири ҳамда одамлар гавжум жойларда ёнғин офатининг мудҳиш оқибатлари ҳақида сўхталар, ўрашувлар ташкил этилмоқдаки, фуқаролар ҳар қадамида ёнғин — ёв эканлигини ҳис этиб, эҳтиёт бўлсинлар, қондаларга риоя этишни унутмасинлар. Ёнғин оқибатида инсонлар умри ҳазон бўлмастлар, ёки уларнинг бир умрга ногиронга айланмасликлари учун оловдан фақат ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилган ҳолда фойдаланиш зарур. Шундагина оилаларимиз хотиржам, халқимиз беҳавотир бўлиб, ёнғин оқибатида кўнгилсиз воқеалар рўй бермайди.

Бегзод ОРИПОВ, Миробод тумани ЁХБ кичик инспектори, сафдор

Эҳтиётсизлик ёки бошқа бирор сабаб билан келиб чиққан ёнғин оқибатида уй ёки ишхона, у ёрлардаги моддий бойликлар чин маънода ёниб, қулга айланиши ҳеч гапмас. Ёнғ ачинарлиси эса — ўт балоси сабабли инсонлар ҳаёти ҳам завол топиши мумкин. Ёнғинларнинг аксарияти фуқароларнинг яшаш жойларида юз бераётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Кишилариимиз аксарият ҳолларда арзимас туюлган хавфсизлик қоидаларини билишадими, аммо эътибор қилишмайди. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истардик: уйда, ишхонада, жамоат жойларида ёнғин хавфини келтириб чиқариш мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олишга ҳаракат қилайлик.

Жаҳонгир СОДИКОВ, "Маърифат маркази" ЁХБ инспектори, катта сержант

Хозирги кунда юртимизнинг ҳар бир гўшасида замонавий бинолар, мактаб, мактабгача таълим муассасалари, ўқув юртлири, даволаш муассасалари, уйлар ва шунга ўхшаш иншоотлар қад кўтармоқда. Мана шундай шинам, чиройли масканлар борлигига шуқроналар айтсанг арзийди, лекин биргина қилинган хато, яъни эътиборсизлик, табиий газ ва электр қувватидан нотўғри фойдаланиш, эҳтиётсизлик оқибатида қулфат келишини бир ўйлаб кўринг-а?

Шундай экан ҳар бир фуқаро ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса, наинки бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олган, балки инсонлар ҳаётини сақлаб қолган бўлади. Яшнобод туманида жорий йилнинг ўтган 2 ойи мобайнида 19 та ёнғин содир бўлди. Ачинарлиси ёнғинларда 1 нафар фуқаро ҳаётдан бевакт кўз юмди.

Бу каби кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш учун фуқароларни ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишларини сўраб қоламиз.

Ўзғабек АҲМАДЖОНОВ, Яшнобод тумани ЁХБ катта инспектори, сержант

Тинч ҳаётимизга таҳдид солувчи хавфлардан бири ёнғин офати бўлиб, у қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзидан мудҳиш излар қолдириши барчага маълум.

Айни шу "тилсиз ёв" ҳужуми сабабли йилгига қанчадан-қанча кишилар бошпанасиз қолади, кўпчилик эса саломатлигидан айрилади, баъзилар эса яқин кишиларини йўқотади. Аҳоли турар жойларидан ташқари ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилотлар биноларида содир бўлган ёнғинлар кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар, иқтисодийта ҳам жиддий пугур етказди. Шу сабабли барча ҳамшаҳарларимизни эҳтиёткорликка чақириб қоламиз.

Арсен КАЛДИБАЕВ, "Истиклол" санъат саройи ЁХБ инспектори, сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети академик лицейи кафедралар бўйича рўйхатдаги лавозимларга

- ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**
- "Математика" кафедраси**
1. Математика — 3 нафар (ўзбек ва рус тилларида)
 - 2. Етақчи ўқитувчи — 2 нафар (ўзбек ва рус тилларида)
 - "Физика" кафедраси**
1. Бош ўқитувчи — 3 нафар (ўзбек ва рус тилларида)
 - 2. Етақчи ўқитувчи — 2 нафар (ўзбек ва рус тилларида)
 - "Иқтисодий-гуманитар фанлар" кафедраси**
1. Она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси — 1 нафар
 - 2. Тарих фани ўқитувчиси — 2 нафар (ўзбек ва рус тилларида)
 - "Инглиз тили" кафедраси**
1. Етақчи ўқитувчи — 1 нафар (ўзбек ва рус тилларида)
 - Бошқа фанлар:**
1. Кимё фани ўқитувчиси — 1 нафар (ўзбек ва рус тилларида)
 - 2. Биология фани ўқитувчиси — 1 нафар (ўзбек ва рус тилларида)
 - 3. Информатика фани ўқитувчиси — 2 нафар (ўзбек ва рус тилларида)
 - 4. Жисмоний тарбия ўқитувчиси — 1 нафар (ўзбек ва рус тилларида)
- Танловда иштирок этиш учун даъвогарлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:
— Академик лицей директори номига ариза;
— Ходимлар шахсий варақаси;
— Олий маълумот, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва сертификатларнинг нусхалари;
— Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мuddат ичида мазкур лицейнинг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади.
Манзилмиз: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 2-уй
Телефон: 246-60-34, 99893 511-60-02

Қилмиш — қидирмиш

ГИЁҲВАНДЛИК — УМР ЭГОВИ

Қўлимда учта жиноят иши турибди...

Хаммаси гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар, хаммасини ёш йигитлар содир этган...
Қаранг-а, нима учун айрим ёшлар гиёҳвандлик кўчасига кириб қолаётми? Наркотик модда истеъмол қилишни қаердан ўрганяпти улар? Ким уларни назорат қилади?..
Жиноят тафсилотларига тўхталмайдиган бўлсак, 1990 йили Тошкент шаҳрида тузилган Илёс Шакар (исм-шарифлар ўзгартirilган) 1998 йил тузилган Шомансур Абдумаликов иккаласи бир маҳаллада, битта кўчада туради, бўш қолди дегунча наркотик модда олди — сотдиси, истеъмол қилган шугулланган. Яъни, И.Шакар 2017 йил октябр ойида Мирзо Улуғбек тумани Фазалбек кўчаси 51-уй олдида кечкунун қонунга хилов равишда полиэтилен пакетга ўралган "марихуана" гиёҳвандлик воситасини таниши Ш.Абдумаликовга ўтказган.
Орадан бир кун ўтиб, тушдан сўнг, Шомансур Илёсдан олган гиёҳвандлик моддани сумкасига солиб, ўртоғи Сарвар Темиров билан бирга ариқ бўйида истеъмол қилмоқчи бўлганида ички ишлар ходимлари томонидан ушланган.
Илёснинг таржимаи ҳолида у ободлаштириш бошқармасида ишлашлиги айтилади. Шомансур эса ҳеч қаерда ишламайди, гиёҳвандликка ружу қўйган. Эндигина 20 ёш қаршидада турган йигитнинг гиёҳванд модда истеъмол қилиши ачинарли. Унинг ота-онаси қаёққа қараган, шарқона тарбия қаерда?
Суд ҳукми билан бу жиноятчилар тегишли жазосини олишди.
Ёки яна бир жиноят тафсилотига тўхталиб ўтсак, Элёбек Шомуродов 1984 йили Сурхондарё вилоятида туғилган, оилали. Унинг шериги Аҳмад Собиров

1986 йили Тожикистон Республикасида туғилган. Хусусий тадбиркор. Элёбек 2017 йил 13 ноябрь кўни соат тахминан 18 ларда Учтепа туманидаги хонадонлардан бирида яшаб келиб, бир донга гугурт қутисига қадоқланган "марихуана" гиёҳвандлик воситасини қонунга хилов равишда таниши А.Собировга 600 минг сўмга пуллаган.
Ўз навбатида А.Собиров ярим соатдан кейин Қатортол кўчаси бўйлаб таниши У.Рашитовнинг автомашинасида кетаётганда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинади.
Эртаси кўни унинг жиноий шериги Э.Шомуродовнинг ижарадаги хонадони текширилганда 95 донга гугурт қутисига қадоқланиб, сотиш учун тайёрлаб қўйилган "марихуана" гиёҳвандлик моддаси ИИБ ходимлари томонидан олиб қўйилган.
Элёбек Шомуродов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25, 273-моддаси 5-қисми билан 10 йил 3 ой мuddатга озодликдан маҳрум этилди. А.Собировга эса энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдориде жазима жазоси тайинланди.
1988 йилда Тошкент вилоятида туғилган, муқаддам судланган Назиржон Раҳматжон наркотик моддалар истеъмолига ружу қўйган ёшлардан бўлиб қичди. Н.Раҳматжон 2017 йил 11 декабрь кўни кечаси "марихуана" гиёҳванд моддасини истеъмол қилиш мақсадида олиб юрган пайтада ИИБ ходимлари томонидан ушланган.
Суд-кимёвий экспертизасининг ҳулосасига кўра, Н.Раҳматжондан олинган модда таркибида гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу модда "марихуана" эканлиги, унинг оғирлиги 28,27 граммга тенглиги аниқланган.

Суд мажлисида Н.Раҳматжон аёибга тўлиқ иқроорлик билдирди.
У гиёҳванд моддани чинозлик таниши Т.Кулбаевдан олиб, бир қисмини Ш.Исмаилов ва А.Сайдазимовлар билан биргаликда истеъмол қилганлигини, ўзи ҳеч қимни мазкур гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилишга мажбур қилмаганлигини сўзлаб берди.
Суд Н.Раҳматжонга жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори талабларига риоя қилиб, унинг шахсини, оилавий шароитини, айбига қисман иқроорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, шу билан бирга жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, мазкур тоифадаги жиноятлар аҳоли соғлиги, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига жиддий таҳдид солиши, оилавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатишини инобатга олиб, унга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.
Эътибор берган бўлсангиз гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни содир этаётганлар асосан 20-35 ёш орасидаги йигитлар. Айримлари уни истеъмол қилади. Шу ўринда савол туғилади. Бу йигитларнинг ота-онаси фарзандининг гиёҳванд моддасига ўралашиб қолганини билармикан? Истеъмол қилишини-чи? Ахир гиёҳванд модда истеъмол қилган шахс ҳар қандай тубан жиноятни содир этиши эҳтимоли катта-ку! Нега бепарвомиз?
Бир жиноятга эътиборсизлик, бошқа бир жиноятни келтириб чиқаришини унутмайлик, ахир!
Ёқутхон ҲАЙДАРОВА, жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани суди раиси

Тошкент Оқшоми
Манзилмиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма F-335

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чикади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.

12597 нусхада босилди.

Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топшириш вақти: 14.15

1 2 3 4 5